

ТУБЕРКУЛЁЗ ВА ҚАНДЛИ ДИАБЕТ БИЛАН КОМОРБИД  
ХОЛАТЛАРДА ДАВОЛАШНИ ХАЛҚ ТАБОБАТИ УСУЛЛАРИ  
БИЛАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.

*Мамадалиев Ш.И. –*

*фармакология, клиник фармакология ва тиббиёт биотехнологиялари  
кафедраси ассистенти*

*Илмий раҳбари: АДТИ ВМО ва ҚТФ “Тиббий радиология, онкология,  
КЛД ва фтизиатрия” кафедраси доценти, т.ф.д. –*

*Хакимов Насрулла Сабирович*

**Муаммонинг долзарблиги.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига (ЖСС) кўра, халқ табобати базаси ўсимликлар, минераллар ва жониворлардан олинган бир ёки муракаб компонентли моддаларни ўз ичига олади ва улар касалликларни олдини олиш ва даволашда ишлатилади. ЖСС хисоботида кўра ер аҳолисини деярли 80% соғлиқда муаммо бўлса халқ табобатига мурожат қилади. ЖСС нинг 2022 йил хисоботида кўра сил касалиги билан жами 10.6 миллион ер аҳолиси касалланган улардан 5.8 миллиони эркаклар, 3.5 миллиони аёллар, 1.3 миллиони эса болалар ташкил қилган ва касалланганлардан 1.3 миллиони вафот этган. Қандли диабет билан ер юзида 422 миллион аҳоли касалланган ва улардан хар йили 1.5 миллиони вафот этади. ЖСС нинг 2019 йилги малумотида кўра сил касллигига чалинганларнинг 15 % дан ортиғи қандли диабет билан хам касланган. Бу сил ва қандли диабет билан касланган 1.5 миллионга яқин беморга тўғри келади, улар иккала ҳолатни бошқаришни оптималлаштириш учун мувофиқлаштирилган парвариш ва кузатувни талаб қилади. Кўп тарқалган қандли диабет касаллиги сил касаллиги ва унинг ўлим даражасига таъсир қилади. Бу сил касллигини икки-уч баробар хавфли, туберкулёзни даволаш пайтида ўлим кўрсаткичини икки баробар, даволаш тугаганидан кейин сил касаллигини қайталанишини тўрт баробар ва дорига турғун



туберкулёзни юзага келишини икки баробарга оширади. Кучсизланган иммун система айниқса хужайравий иммун жараёнлар, хужайраларнинг оксидланишни эркин радикаллар таъсирида зарарланиши, микронутриентлар дефицити, пулмонар микроангиопатия ва ренал дисфункциялар асосий сабаблардан деб қаралади.

**Тадқиқот усуллари.** Тажриба “К7000” ултрабинафша спектрофотометр анализаторида амалга оширилди. Намуналар экстрактларини таёрлаш учун занжябил ҳамда андиз ўсимликларидан турли композицияда: 1-намуна 1:1, 2-намуна 3:1, 3-намуна 1:3 нисбатларда олинди ҳамда ҳар бир намунадан 0,75 грдан тортиб олинди ва 50 мл сувда 10 дақиқа қайнатиш билан амалга оширилди. Олинган экстрактлар 0,45 мкм ли шприцли филтрдан ўтказилиб, анализ учун фойдаланилди. Анализ учун берилган намуналарнинг адреналиннинг ин витро шароитида аутооксидланиш реакциясини ингибирланиши методи билан яни адреналиннинг аутооксидланиш реакцияни ингибирлаш қобилияти ва шу билан бирга кислороднинг фаол шаклини ҳосил бўлишини олдини олиши билан баҳоланди. Текширилган намуналарнинг антиоксидант фаоллиги адреналиннинг аутооксидланишини ингибирлаши бўйича фоизларда (АФ%) ифодаланади. Текширилаётган ўсимлик экстрактидан 0,045 мл, буфер эритмадан 3 мл ва адреналин тартратнинг 0,18 % ли эритмасидан 0,15 мл олиб юқоридаги усулда аралаштирилди ҳамда 347 нм тўлқин узунлигида оптик зичлиги ўлчанди (D2), Назорат сифатида 0,1 мг/мл концентрацияли витамин С эритмаси олинди.

**Натижалар.** Тажриба қисмида занжябил ва андиз ўсимликларининг 1:1, 3:1, 1:3 нисбатлари олинди ҳамда адреналиннинг ин витро шароитида аутооксидлаш методи билан намуналарнинг экстракциялари антиоксидланиш фаоллиги аниқланди. Тадқиқот натижасида турли композицион аралашмадаги ўсимлик экстракцияларининг антиоксидант хусусияти вақт оралиғи мобайнида ўрганилди. Олинган натижалар текширилаётган намуналарнинг прооксидант хусусияти мавжудлигини



кўрсатмоқда. Шунини айтиш мумкинки, 1:3 нисбатда олинган намуна экстракти қолган намуналарга нисбатан прооксидантлик хусусияти пастроқ эканлиги аниқланди.

**Хулоса.** Таржиба шунини кўрсатдики, занжабил ва андиз ўсимликларининг 1:1, 3:1 нисбатдаги аралашмасида антиоксидантлик хусусияти юқориликдан фойдаланган ҳолатда туберкулёз ва қандли диабетни коморбид ҳолатида профилактикаси, даволашни ўрганиб чиқиш ва ноҳўя таъсирлардан ҳоли, иқтисодий жиҳатдан таннархи арзон, маҳаллий дори воситаси ишлаб чиқиш.

